

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА
МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ

“ФАЛСАФА” КАФЕДРАСИ

РЕФЕРАТ

Мавзу: Аҳмад Яссавийнинг фалсафий қарашлари.

*(Фалсафа, миллий гоя ва фан методологияси фанидан
номзодлик минимумини топшириш учун.)*

Бажарди: Тўраев. А.А.

Текширди: доц. Насриддинов. А.

Тошкент-2009

Р Е Ж А:

- 1. Яссавий ким эди?**
- 2. Тасаввуф тўғрисида.**
- 3. Яссавий хикматлари.**
- 4. Яссавийнинг таъсири.**
- 5. Яссавийнинг муҳити.**
- 6. Яссавий мафкураси.**
- 7. Фитрат Яссавий тўғрисида.**
- 8. Хулоса.**

ЯССАВИЙ КИМ ЭДИ?

«Менинг хикматларим оламда султон,
Қилур бир лахзада чўлини гулпестон.
Менинг хикматларим дардсиз айтманг,
Бахосиз гавхарим подонга сотмант».

Яссавий»

Хўжа Аҳмад Яссавий милодий ила ўн иккинчи асрнинг турк ҳаким ва шоирларидандир. Шарқдан келгувчи қорахитой туркларининг хони бўлгон Гул хонға, уйғур туркларининг мағлуб бўлгон ва Туркистонни улар қўлига берган замонларида яшагандир (1141 м. да) Бу Хоразмшоҳлар даврига ҳам тўғри келадир.

Чингизнинг чиқиши олдидан жанубда турк адабиётнинг негизи қурилуб ётмоқда эдики, мана шу адабиётнинг бош омилларидан, унга қувват бергувчилардан Хўжа Аҳмад Яссавий билан унинг шогирди бўлгон Сулаймон Боқирғонийни кўраимиз. Булар уйғурчадан енгиллатилган ва ўзларидан бир аср сўнг туқгон чигатой адабиётидан ҳам кўб сода, табиий, такаллуфсиз ва авомий бўлгон «адаб мактаби» туғдирдилар.

Демак бу мактаб уйғурча билан чигатой адабиёти орасидаги бир даврга оид ва ўзига махсус хусусиятларга молик бўлгон энг муҳим шеър мактабидир.

Шу жиҳатдан Яссавий ва уйғур, на чигатой, на ўзбек, на татар, ва туркман ва на қозоқ шоири бўлмасдан, умумтурк шоиридир. Яссавийнинг ўзи ҳам «отим: Аҳмад, Туркистондир элим менинг», деб ўзининг умумтурк юрти бўлгон Туркистон шоири эканлигини ишора қиладир. Яссавийнинг шеърлари ила ўзларининг «мил»ларин, юракларни неча асрлар бўйича тарбия қилуб, шулар орқасидан тилларини сақлаб ва яшаб келгувчи турк шевалари ўзларининг адабиёт тарихларида Яссавийни ўз шоирлари қаторидан санасалар, албатта, ҳақсиз бўлмаслар.

Яссавийнинг адаб мактаби бутун Туркистон туркларин ва хусусан, татарларни усмонли шевасининг таъсири остига тушишдан ва уларнинг рухига, оҳангига берилишидаи кўб замонлар саклаб келди.

Шоирларни ўлчашда давр, муҳит, сиёсий ва ижтимоий ҳолларни эътиборга олсак, ҳар шоирни ўз даврига, ўз замонига қараб ўлчар эсак Яссавий ҳақиқатан турк шоирларининг дохийларидандир.

Яссавийнинг адаб мактабинда аскетизм, яъни охир ўйлик ва тасаввуф ҳукм сурса ҳам, биз мунини Европада ўрта асрнинг охирига қадар ҳукм сурган манфур бир охир ўйлик, шеъриятсиз бир аскетизм дей олиймиз.

Яссавий турк қавмларининг ҳақиқий маъноси билан чин шоирлардан (лирик) ва халқ классик шоирларидандир. Ул ғоят ҳассос, илҳом ва хаёли ғоят табиий ва енгил оқишли бир шоирдир. Яссавийнинг юраги бутун умрига, руҳий ва маънавий ишқ билан ловуллаб ёнатурғон шеърий бир ўтдир. Илоҳий шеърда ва муҳаббат ҳиссиётида ул шу йўлдаги бошқаларнинг юракларин ўртагувчи, куйдургувчи кўрқинч бир ҳикмат ёлқинидир. Унинг бутун ерин, кўкда ишқ ва руҳоний муҳаббат истило қилғон. Тағин дурустроқ айтканда, Яссавийнинг илҳоми ўзининг арбоби юртида чачраб тушкан, ҳар уришида ёнғин чиқаратурғон даҳшатли бир ўт тошқинидир.

Қисқаси, Яссавий, яратилишнинг ва яратғувчининг сифати ва бадеаси олдида мафтунлик ва вужуди мутлақ хаёлининг, ваҳдати вужуд (пантеизм) шеъриятининг қозонидир, Ул бутун ҳаётни, бутун саодатни руҳоний ишқда кўради, онинг ишқи ҳам Афлотун ишқи кабидир.

Яссавий расмий одатий ибодат кишиси эмасдир. Бошқа мўминлар оммаси каби оддий бир мўмин ҳам эмасдир. Ул чин виждоний одамдир. Муҳиддин бинни Арабий, Ғаззолий каби ҳаётни, холикни, ўзини, бошқасини, «жаннатни» жаҳаннамни фақат ўз виждонида, ўз кўнгли ичида кўргувчи «бирлик» фикрида тамом фоний бир одамдир. Ул ўз қалбида ва бошқаларнинг юракларида фаришталик мартабасига эришкан бир эзгулик туйғуси туғдиришқа елқинган бир дарвешдир. Ул шариятчилар, расмий динчилар қошида «кофир» бир шахсдир. Ул фақат «ҳақ» кишиси, «ҳақ»

ошиқидир, ул хеч бир расмий одатлардан, расмий ибодат, фалонлардан бошқа факат виждон каъбаси ичинда, виждон маъбудидагина ўзининг эътиқод ва таважжух этдиги олий, яширин бир қувватқа, унинг жамолига обиддир. Ундан ғайр кўб ҳақиқий ислом сўфийлари ҳам шундоғ эдилар. Яссавий эса шулар сафида турғувчи фидойиларнинг ва фонийларнинг биридир.

Унинг:

Рўза тутуб халққа риё қилғонларни,
Намоз ўқуб тасбеҳ қўлга олғонларни,
«Шайхмен» дею ўзга бино қўйғонларни
Охир дамда имонидан жудо қилдпм...

каби шеърлари мунга шоҳиддир.

Яссавий ҳақиқатан макондан хориж бир кишидир.

Ул:

Жондин кечуб ёлғиз «ҳақ»ни жонга қўшдим,
Ондин сўнгра дарё бўлуб тўлуб тошдим,
«Ломакон»ни сайр этубон мақом ошдим...
Дунё уқбин юз минг талоқ қўйдим мано

Ва:

Мискин Хўжа Аҳмад жони ҳам жавҳардир, ҳам кони Жумла онинг макони, ул «ломакон» ичинда! деб ўзининг «макондан хориж»лигин тагин очик тасвир қилиб берадир.

Яссавийнинг рухан ва виждонан кўтарилиши ва аллақайларга «бирлик» хаёлининг энг юқори бир нуқтасига интилиши шу даражага келадирки, энди ул тошбўрон билан ўлдирилган, Шарқда машхур «Аналҳақ»чи каби «ҳақ»ни ўзи деб таний бошлийдир.

Унинг:

Чин дардликка ўзим дору, ўзим дармон,
Ҳам ошиқмен, ҳам маъшукмен, ўзим жонон...

Раҳм айлабман: отим раҳмон, зотим субҳон...

Бир назарда ботинларин сафо килдим!

деган шеърлари шунинг натижасидир.

Расмий динчи ва зоҳирий шариатчиларнинг уни «кофир» сонийтурғон ва шундоғ санашқа тегиш бўлғон нуқталарининг марказ склати ҳам шудир. Унинг қабрини зиёрат эткувчи зоҳирий сўфийлар, нодон дарвешлар, зоҳирий руҳонийлар унинг бу сўзларин таъвилсиз, дуруст маъносида онглай олғон бўлсалар эди ундан тамом юзларин ўгурган бўлурлар эди.

Унинг:

Сўфи бўлсанг соф бўлгил, журм исён бўлмасин,

Тоат, тақволик қилиб, кўнглинг паришон бўлмасин!

Жони дилдан йиғлатгил, маҳшарда ёлғон бўлмасин!

Сўфинақш бўлдинг, вале, харгиз мусулмон бўлмадинг...

деган шеърлари ҳам «сўфинақш» бўлишқа қаттиғ хужум этадир. Мана мундан Яссавийнинг тасаввуфи қандай маънода ва қандай бир йўлда бўлишин онглаш» қа ҳам қийин бўлмаса керак.

Яссавий ўз замонида ва ўз муҳитидаги бутун ёмонликларга, ижтимоий ва ахлоқий бутун ёмонликларга, камчиликларга қаттиғ хужум эткувчи, уларга қарши шиддатли кураш ва уруш эълон қилиб, бутун умрида шуларга ўзининг кескин ва очиг шеърлари ила шафқатсиз равишда ўқ отуб тургувчи ижтимоий ва ахлоқий бир қаҳрамондир. Ул бу тўғрида баъзиларига захарли ўт отса, баъзиларни тош билан урадир.

Ул адолатсизликка тамом душман эди. Золимларни, бузукларни ҳеч бир аямади, ҳатто йўлдан чиқғон мулла ва хўжаларни, муфти ва қозиларни, шайх ва эшонларни, ёлғон олимларни ва хусусан, сўфинақш бўлғон одамларни, тўра, амирларни, вазир ва подшоҳларни ҳам ҳеч бирисин риоя қилмади.

Ул ўзининг:

Мулла, муфти бўлгонлар, ноҳак даъво қилгонлар
Ул ҳимордек бўлубон юк остида қолмишлар...
Ҳаром еган золимлар, ришват олиб еганлар
Ўз бармоғин тишлабон кўркуб туриб қолмишлар.
Тотлиқтотлиқ еганлар, турлуктурлук кийганлар,
Олтин тахт қургонлар тупроқ ости қолмишлар.

Ва:

Охир замон шайхи тузар суратларин,
Зухд тақво қилмай бузар сийратларин;
«Каромат» дер хоби ғафлат рўятларин,
Риё бирлан халққа ўзин сотар, дўстлар.

Ва:

Доми тазвир қўйиб халқни йўлдан урдинг...
Шайхлик қилиб риё била дўкон қурдинг...
Ишрат қилиб шайтон бирла даврон сурдинг...
Дийдорига сени не деб раво қилсун?!

Ва:

Эшон, шайх, хўжа, мулла дунё излар,
Ул сабабдин подшоҳларга ёлгон сўзлар,
Оят, ҳадис сўзни қўйиб молни кўзлар,
Ҳақ йўлида ҳаргиз меҳнат тортқони йўқ

«Эшонмен деб турлук таом териб егай,
Яхшиларни кўзга олмай: «менмен!» дегай,
Дунё молин олиб борса, суюниб олғай,
Вилло, билло: «менменлик»дан ўткани йўқ,

Ва:

Соч ва соқол оқарди, кўнглим қора...
Аҳли дунё халқимизда саҳоват йўқ,
Подшоҳларда, вазирларда адолат йўқ,

Турлук бало халқ устига ёғди, дўстлар!

Ва:

Охир замон олимларни золим бўлди,
Хушомад айтқувчилар олим бўлди,
Ҳақни айткан дарвешларга ғаним бўлди,
Ажаб шумли замоналар бўлди, дўстлар,

каби ҳужумлари мунга мушоҳиддирлар.

Ул замонларда мундоғ қаттиғ ҳужумларни, мундоғ оғулик ўқларни Яссавийда кўриш ҳақиқатан унинг ўз муҳитидаги ижтимоий турмуш ва «дин савдогарлиги» билан марҳаматсиз равишда тортишиб келган бир адабий қаҳрамон эканини онглаш учун етарлиқдир. Бу шеърларидан тагин шу очик онглашиладирки, халқ елкасига юк бўлуб, қай йўл билан бўлса ҳам, халқни алдаш Яссавий қарашида энг қабих бир нарсадир.

Яссавийнинг энг кўра олмағон нарсаси яна нодонлик ҳам нодонлардир:

Нодон билан ўткан умринг нори сақар,
Нодон борса, дўзах андин қилғай ҳазар...
Нодон билан дўзах сари қилманг сафар,
Нодон ичра хазон янглиғ сўлдим мано!

Ер остига қочиб кирдим нодонлардин,
Илким очиб, дуо тилаб мардонлардин.
Тамаъ қилма нодонлардин, қадринг билмас,
Зулмат ичра йўл адашсанг, йўлга солмас.

Бўйнинг қошуб зори қилсанг, қўлинг олмас,
Нодонларни шиква айлаб келдим мано!

Аввал, охир хўблар кетди, қолдим ёлғиз,

Нодонлардин эшитмадим бир яхши сўз.
Доно кетди, нодон қолди, едим афсус,
Йўлни тобмай, ҳайрон бўлуб қолдим мано

деган шеърлари Яссавийнииг нодонлар билан муносабати ва уларга қараши қандай бўлғонин бизга нақадар очик ва гўзал тасвир қилиб берадир.

Яссавий ўз замонида мискинларни, мазлумларни, ғариб ва дарвешларни ҳам ёқлағувчи (ҳимоя қилғучи) бир шоир эди.

Мунда мақоланинг узаювидан кўрқиб бу ҳақда «ғариблар» қофияли узун шеърларин қолдируб, фақат шу қуйидағиларнигина кўчирамыз:

Эй Кул Хўжа Аҳмад, сен юруб ғамгин кўнгилни овлағил,
Аҳли дил бўлғон киши ғамгми кўнгилни шод этар.
Дунё учун бирбирига қилмас шафқат,
Золимларга асир бўлиб тушдим мано!
Ғарибларни кўрган ерда оритмангиз,
Ғарибларга очиглануб сўз қотмангиз!
Заиф кўриб ғарибларга тош отмангиз,
Бу дунёда ғариблиқдек бало бўлмас.

Яссавий ўз замонида форс тилига аҳамият бериб, ўз тилларин сонға олмағувчи эронийлашқон турк олимларига ҳам эронийлар ва арабларга қаратиб шу қуйидағи шеърларини ёзадир:

Хушламайдир олимлар сизнинг ойғон туркини,
Орифлардин эшитсанг, очар кўнгил мулкини;
Оят, ҳадис маъноси турки бўлса мувофик,
Маъносига еткаилар ерга кўяр бўркини.

Сўнгра шу сўзларга улаб:

Мискин, заиф Хўжа Аҳмад етди! Битишинга раҳмат форсий тилин билибон хўб айтадир туркини! деб анувларнинг бурунларига чертадир ва ўзининг туркий тилида ёзиши ва сўйлашининг сабаби форсийча билмаганлигидан эмас, балки форси тилин яхши билгани ҳолда, ўз тилида сўйлаш ва ёзишни ортиқ кўрганлигидан бўлишини онглатадир. Шунинг билан бирга, туркийни «хўб айтиши» билан мақтаниб кўядир.

Жуда ҳақли бир мақтаниш!

Демакки, турк тилининг форсий тили билан курашида турк тилига устунлик қозондирғувчи, туркий тилни томирландириб унга янги ҳаёт берғувчи бош қаҳрамон Навоий эмас, балки Яссавийдир.

Навоий эса мунинг иккинчи қаҳрамонларидан саналишқа тегишдир.

Яссавийнинг услубидаги очиклик, соддалик, енгиллик, оҳанг, табиийлик, гўзаллик ва тасвирийликка ҳайрон қолмай мумкин эмасдир. Унинг услуб ва тилида ясалмоқ деган нарса ҳам йўқдир. Халқ орасига кириб ўзлашмаган, қаттиғ ўринлашмагон арабча ёки форсча сўзларни Яссавий ва унинг адаб мактабига мансуб шоирлар ҳеч кўлламайдирлар. Демак, тил ёгиндан Яссавийнинг адаб мактаби араблик ва эронийлик таъсиридан кўб йироқ турадир. Дуруст, қайси бир ўринларда ерлик луғатларни ишлатиб кўядирлар. Лекин бу услубка қоронғулик бермайдир.

Яссавийнинг шеър мактабида вазн, қофия балосига тушиб, маънога зиён кетирилмайдир. Шунинг билан бирга, бу мактабнинг шеърларида вазнсизлик ва қофиясизлик ҳам йўқдир. Вазн билан қофия буларда ўз-ўзидан кучланмасдан, табиий бир нарса бўлиб туғадир. Буларда тасвир ғоят ёлқинлик. Шунинг билан бирга, кескин таъсирли бўлиш устига, ақл ва фикр негизига қурилғондир. Яссавийнинг шеър мактабида энг кучли ёк юракчилик, яъни лирикликдир.

Чиғатой адабий тилин туғдиришда ёки шунга қувват беришда кучли омил Навоий бўлгон бўлса, татар адабий тилининг ва татар шеър мактабининг туғишига ҳам Яссавий ва Боқирғонийлар йўл

ҳозирлагандирлар. Тил юз услубда ҳам чинликда турк-татарлик руhini ул негизландирди.

Шуниси ажабдирки, Яссавийнинг тили рух эътибори ила ва жумлаларнинг тузилиши ёғидан татар тилига ғоят яқин турадир. Ҳатто фарк ҳеч йўқ деб айтарлик бир даражададир. Шунинг учун бўлса керакки, Яссавий ва Боқирғоний асарларини, шеърларини татар оммаси, уламози ўзларига умумий адабиёт этиб, шулардан кўнгил озиғи оллуб келгандирлар. Ҳатто машҳур шоир Тўқай ҳам Яссавий шеър мактабидан илхом ва намуна олғондир. Ва унинг шогирди Боқирғонийни шу жиҳатдан гарчи Эдил-Урал ёқларида тукқан бўлмаса ҳам, Яссавийни татарлар ўз шоирлари этиб санашқа ҳақли бўларлар.

Яссавий асарлари бу кунгача адабий киймати жиҳатидан яхши текширилмаган каби, рухи, мундарижаси, маъноси, фалсафий ва ҳақимий қарашлари ёғидан ҳам тўғри онглашилмасдан келмишдир. Эиди бизга унинг ҳар икки ёғин очик кўз билан кўришқа, таъвилсиз, фалонсиз, тўғридан-тўғри англашқа вақт еткан бўлса керак.

ТАСАВВУФ ТЎҒРИСИДА

Араб бўлмагон ўлкаларни дин исмидан истило эткан арабларнинг дини ҳам миллий таассублари маҳаллий дин, маҳаллий маданиятга қаршу ислом исмидан қаттиғ курашлари, араб бўлмагон миллатларга ҳур қараб таҳқир қилишлари (айниқса, аъмавийлар замонида) араб хилофот саройининг оғир исрофли чиқимлари, араб валилар ҳам шуларнинг думлари бўлуб яшагон маҳаллий хонлар, бекларнинг оғир талаблари остида халқ, айнақса мустамлака халқи сўнги даража эзилган эди. Мана шу эзилишдан туғулгон умумий норозилиқлар исломнинг то бурунги замонларидан бошлаб турли сиёсий, диний оқимларға, муҳолифатларға йўл очиб, шуларнинг кенгайишига сабаб бўлгон. Мана шул муҳолифат оқимларининг энг каттаси, энг кенги ҳам жуда устаси ўзининг асосларини ислом таассуби остида эзилган маҳаллий эътиқодлардан олиб майдонға чиққон «тасаввуф» оқимидир.

Тасаввуф оқимининг усталиги унинг секинлик билан, муҳолифатни сездирмасдан юришидадир. Жомий, Ибни Арабий, Абдул Қарим халифа каби эътиборли тасаввуф муҳаррирларининг кўрсатганларига кўра, тасаввуфнинг турли даражалари, турли манзаралари бор. (Ёзиб турғоним ўзбек адабиёти тарихида бу тўғрида муфассал маълумот бор). Юқорида деганим каби, тасаввуф маслаки мустамлакачиларнинг маҳқумларга қилгон адолатсизликлардан ҳам бу адолатсизликларнинг диний таассубга, динга таянғонидан чиққон «акси таъсири»дир. Шунинг учун тасаввуфнинг юқори поғоналарида, юқори босқичларида диний таассубга, динга, шариатга қарши унсурларнинг борлиғи, кўплиги аниқдир. Тасаввуф маслакига кирганлар биринчи босқичда исломнинг бутун ҳукмларига, ахлоқ, ибодат, эътиқодға оид бўлгон бутун дастурларини қабул қилиб кирганлари ҳолда, сўнг босқичларға тўғри буларнинг ҳаммасидан, ҳеч нарса сезмасдан, узоқлашиб қоладилар. Қиёмат, меърож, жаннат, жаҳаннам, таҳорат, намоз каби ислом дастурларини таъвил қиладилар, уларға ўзларича маъно берадилар. Бу ишлар шунча усталик билан борадирким, мурид охириги манзилга етганча қаёққа бориб турғонини сезмай қолади.

Тасаввуф ислом ўлкасида то исломнинг бурунги асрларидан кўруна бошлагон. Ҳижрий иккинчи асрда Шакик Балхий, Иброҳим Адҳам каби машҳур тасаввуф намоёндалари Туркистон ўлкасида етиша бошлагонлар эди.

Ҳижрий бешинчи асрда Эроннинг Ҳамадон шаҳрига яқин бир ўрунда туғулгон Юсуф Ҳамадоний деган бир одам диний илмларни ўрганиб, катта шухрат эгаси бўлгоч, тасаввуфга ҳам берилган эди. Мана шул мулла — мутасаввуф Марв, Бухоро, Самаркент (Самарқанд) шаҳарларида хонақоҳлар куруб шайхлик қила бошлайди. Бизнинг Аҳмад Яссавийимиз ҳам мана шул Юсуф Ҳамадоннинг муриди — учинчи халифасидир.

Аҳмад Яссавий бир ривоятга кўра, Ясси (бугунги Туркистон) шаҳрида, бир ривоятга кўра, Сайрамда туғулгон. Унинг қачон туғулиши маълум эмас, бироқ вафотининг ҳижрий 562 да бўлгонини ҳамда «Девони ҳикмат»даги шу:

Тўрт юз йилдан кейин чиқиб уммат бўлғой,

Неча йиллар юруб халққа хизмат қилғой,

байтини назарда тутуб, ҳар ҳолда унинг ҳижрий тўртинчи асрнинг иккинчи ярмида туғулғониға ҳукм қилиш мумкиндир.

Яссавийнинг отаси шайх Иброҳим исмли эшон бўлиб, унинг ёшлиғида ўлган. Ятим қолгон Яссавий у замоннинг машҳур шайхларидан Арслонбобдан олгон. Арслонбоб ўлгандан кейин бизнинг Яссавий пир излаб Бухороға келган, юқорида ёзғонимиз Юсуфи Ҳамадонийға учраб, шунга мурид бўлгон Юсуф Ҳамадоний ўлгандан сўнг Бухорода унинг учинчи халифаси бўлиб шайхлик қилгон. Бир оздан сўнг Бухоро шайхлигини Юсуф Ҳамдоннинг тўртинчи халифаси бўлгон Абдулхолиқ Гиждувонийға топшириб, ўзи Яссига қайтқон. Онда дала халқидан кўб мурид йиғиб, ханақоҳ очиб, шайхлик қилгон. Яссавийнинг форс адабиёти вазн ва услубида эмас, турк миллий вазнида, халқ адабиёти услубида ҳикматлар ёзғони мана шул Яссига қайтиб, дала халқидан муридлар тўплағонидан кейин бошлангон бўлса керак. Яссавий олтмиш уч ёшға киргач, хонақоҳда ер ости — бир чиллаҳона қаздириб, шунга кирган ва дунёдан алоқасини кесган каби кўрунуб, шайхликни давом этдирган ҳам шунда ўлган. Вафоти ҳижрий 562-нчи йилдадир.

ЯССАВИЙ ҲИКМАТЛАРИ

Аҳмад Яссавий шеърларининг ҳар парчасига «ҳикмат» унвони берилган, тўпланиб китобнинг шаклига келтирилган. Букун орамизда бу китобнинг бир кўб қўлёзма нусхалари бўлғони каби Тошкент, Истанбул, Қозон шаҳарларида босилгон босма нусхалари ҳам кўбдир.

Аҳмад Яссавийнинг бу асари ҳижрий бешинчи-олтинчи асрнинг адабий емиши, яъни машҳур «Ҳибатул ҳақойиқ» китоби билан бир асрда ёзилмиш бўлғони учун адабиёт, айниқса эл тарихимиз учун катта аҳамиятчилик асарлардан саналса керак эди. Ҳижрий бешинчи-олтинчи асрда ёзилгон туркча асарларнинг озлигини кўзга олғонимизда, бу асарнинг қиймати яна ортгон бўлар эди. Лекин бахтга қарши масаланинг шу томони кутганимиздан бир оз бошқачадир: «Девони ҳикмат»нинг букун маълум бўлгон нусхаларининг ҳаммаси сўнг замонларда ёзилгон нусхалардир.

Унинг Яссавий замониға яқин бир замонда ёзилгон бир нусхаси майдонда йўқ. Букун «Девони ҳикмат»лардаги парча ҳақиқатан Яссавийникими? Ундан сўнгра давом эткан шогирдлари, муридлари, унинг отиға баъзи парчалар ёзиб тарқатмадиларми? Букун «Девони ҳикмат»нинг ҳаммаси, ҳеч бўлмағонда бир қисми сўнг замонда етишкан мана шунақа шогирдларининг асарлари эмасми?

Букун илм дунёсида маълум «Девони ҳикмат»ларни мана шундан шубҳалар остиға қолдириш мумкин. «Девони ҳикмат»нинг Яссавий замониға яқин бир замонда ёзилгон бирор нусхаси топилмағунча бу шубҳаларни йўқотиш мумкин эмас. Бу шубҳалар йўқолмағунча маълум бир «Девони ҳикмат»ларни тил тарихи қарашидан текширишдан илмий бир натижа чиқмайди».

ЯССАВИЙНИНГ ТАЪСИРИ

Турк дунёсида ўткан шоирлар, адиблар, сўфилар орасида Яссавий қадар ўз таъсирини кенгайткан бир кишини учратиб бўлмайди. Ўрта Осиёниинг шайхлари, эшонлари Яссавийни ўзларига пир, устоз деб танийдилар. Аҳмад Яссавийдан кейин унинг услубида шеър ёзмок турк шайхлари орасида «мўда» шаклига кирган. Булар услуб, вазн, мафкура ёғидан Яссавийни айнан тақлид қилиб «ҳикмат»лар ёзгон ва бу ҳикматларни мачитларда жаҳр кунларида ўқутгонлар. Унинг маслағида бўлгон Мансур ота, Абдулмалик ота, Тож хўжа, Саид ота, Сулаймон ота, Занғи ота, Узун Ҳасан ота, Сайид ота, Исмоил ота, Исҳоқ ота, Садр ота, Бадр ота, Али шайх, Мавдуд шайх, Камол шайх, Ходим шайх, Халил ота каби шайхлар, эҳтимолким, шу йўлда ҳикматлар ёздилар. Лекин буларнинг асарлари букун майдонда қолмагон. Ёлғуз Ҳаким Сулаймон отанинг ҳикматлари машҳурдир. Аҳмад Яссавийни таъқиб эткан кишилардан бизга маълум бўлгонларидан бири ҳижрий 1263 да вафот қилгон Азим Хўжадирким, ҳикматлари ҳижрий 1312 да Тошкентда «Ҳикмати эшони Азим Хўжа» унвони билан тош босмада босдирилгондир.

«Девони ҳикмат»нинг Истанбул босмасида Юсуф Байзавий, Қозон босмасида Қул Ғариб таҳаллуслари борким, булар Аҳмад Яссавий мактабида етишган шоирлардандирлар. Ёлғуз Ўрта Осиёда эмас, татарлар орасида ҳам Яссавий билан унинг шогирди Сулаймон отанинг катта эътиборлари бўлгон, уларнинг ҳикматлари халқ срасида қўлдан-қўлга юруб ўқулгон, хатто неча дафъалар босилиб тарқатилгон. Татарлар орасида жуда машҳур ва мўътабар бўлгон «Бадавом»да Яссавий ҳикматларининг шакли кўрунуб турғони каби Яссавий ҳам Сулаймон бта услубларида халқ шеърлари ҳам бўлуб ўткан. («Татар адабиёти тарихи. Феодализм даври». Иккинчи босма А. Раҳим, А. Азиз, Б. 140) Озарий туркларкинг машҳур мутасаввуф шоирлари бўлгон Саид Ёмод Насимий, туркман халқ шоири Мухтумқулининг, усмонли халқ мутасаввуф шоирларининг Аҳмад Яссавийдан таъсирланганлари илм дунёсига маълумдир.

Булардан охиргиси кенг бир шаклда изоҳ қилмок учун усмонли олими

Купрелизода ўзининг «Турк адабиётида илк мутасаввуфлар» отли китобни ёзиб чиқардиким, адабиётимизнинг тарихи билан қизиққон кишиларга мутолааси лозимдир.

Яссавий асарларининг бунча кенг доирада ёйилиб ўқулғони ҳам тақлид этилгани туркий халқларнинг оммаси аро ҳаёт ва онг томонлардан бир турлилиқнинг давом этканига далил бўлса керак.

ЯССАВИЙНИНГ МУҲИТИ

Яссавийнинг хижрий бешинчи асрнинг охирларида етишиб, олтинчи асрнинг охирларигача яшагонин юкорида кўрган эдик. Яссавийнинг мафкурасини очик кўриш учун Ўрта Осиёнинг хижрий бешинчи-олтинчи (милодий 11 нчи-12 нчи) асрлардаги ҳолларининг хулосасини қисқача тасвир этмак лозимдир.

Марказлари Бухорода бўлгон Сомонийлар ҳукумати хижрий 4 нчи асрнинг яримларида кучсизлана бошлагон. Қашқардаги Қорахонийлар ҳукумати тез-тез Ўрта Осиёга ҳужумга киришган, сомонийлар сулоласи тамом бўлгондан сўнг Ўрта Осиё қорахонийлар томонидан идора этила бошланди. Шул кунларда Бухоро қашқарлик Эликхон кўлида бўлса ҳам, унинг Самаркент, Каш (Қарши - Беҳбудий) ҳам Кўкон вилоятларидаги ҳокимияти ҳеч эди. Мунда ҳар бир вали ўзбошимча ишлар эди. Баъзан бу валилардан тўрт-бешталари бирлашиб Маҳмуд Ғазнавийдан ёрдам олиб, Элик хонга ҳужум қилар эдилар.

Қорахоний сулоласи замонида ҳукмдор битта эмас эди. Кўчманчи, ярим кўчманчи халқларнинг ҳаммасида бўлгонидек, қорахонийлар ҳам бошда мухториятли кичкина вилоятларга бўлинган, сўнгралари булардан ҳар бири мустақил ўлкалар саналгон, буларнинг ўзаро чегаралари тез-тез ўзгариб тургон, кўбрак ўзаро урушлар билак ҳам машғул бўлгонлар. У замонлар қорахонийлар мусулмон туркларидан эдилар. Булар мана шул ҳолларда яшагонда «кофир» турклардан Қора хитойларнинг ҳужумларига ҳар вақт учраб келдилар. Милодий ўн иккинчи (хижрий олтинчи) асрда қорахитойлар Ўрта Осиёни истило қилдилар. Қорахитойлар ҳам истило қилгонлари ўлкаларни маҳаллий феодалларга топшириб, олий ҳокимиятнинггина ўз кўлларида сақлагон эдилар.

12 нчи асрда Бухорода энг катта бой ва мулла бир оила ҳукм сурардиким, буларга «Ол Бурхон» ёхуд «садр»лар унвони берилган эди. Булар бошда қорахонийларга тобеъ эдилар. Қорахитойлар келгач, садр Ҳисомиддин Умарни ўлдириб, буларни ўзларига қаратти. Бу «садр»лар

хукуматининг ёнида қорахитойларнинг бир вакили турар эди. Бешинчи-олтинчи асрларда давом эткан бу тортишмалар, жанжалларнинг зарари беклар, аслзода, бойлар ҳам уларнинг қуйруқлари бўлгонларга қарағонда кўбрак тубан синф, қора халқ аталгон оммага зарар берар эди. Узун сурган урушларда экин ерларининг емирилиши, чорпаларнинг ёйлоқсиз қолиши, бир кўб кишиларнинг юртдан ҳайдалиши, бир кўб оилаларнинг бошлиқсиз бўлуб қолишлари табиийдир. Анча муддат бу ҳолда қолгон омманинг қайғуларга ботиб, ҳаётдан безиб, қалин бир умидсизликка тушмаганлигини даъво қилиб бўлмайдир.

ЯССАВИЙ МАФКУРАСИ

Мана бизнинг Аҳмад Яссавийнинг адабий фаолияти шул жабрланиб, ҳаётдан безиб, умидсизланган синф орасида бўлди. Яссавий жамиятнинг юқоридаги воқеалардан зарарланмаган, балки фойда қилгувчи беклар, оқсуяклар, аскар бошлиқлари ҳам шуларнинг куйруклари бўлуб яшагон мулла, эшонлар қаторида бўлмади, ул мазлум синфнинг орасида бўлди. Шуларнинг қайғулари билан йиғлашга мажбур бўлди, ҳам йиғлади. Яссавий у замоннинг ҳоким синфи айрим гуруҳ унвонлари билан атаб ҳар бир гуруҳнинг адресига қаттиғ сўкушлар такдим қилади,

Дунё менинг деганлар, жаҳон молин олғонлар,
Қаргас кушдек бўлубон ул ҳаромға ботмишлар.

Мулло, муфти бўлғонлар, ноҳақ даъво қилғонлар,
Оқни қаро қилғонлар ул томукқа кирмишлар.
Қози, имом бўлғонлар, ноҳақ даъво қилғонлар,
Ҳимор янглиғ бўлубон юк остида қолмишлар.

Ҳаром еган ҳокимлар, ришват олиб еганлар .
Ўз бармоғин тишлабон кўркуб туруб қолмишлар.

Тотлиғ-тотлиғ еганлар, турлук-турлук кийганлар,
Олтин тахт ўлтурғонлар туфроқ аро ётмишлар.

Доми тазвир кўюб халқни йўлдан урдунг,
Шайхлик қилиб риё билан дўкон қурдунг,

Ишрат қилиб шайтон бирла даврон сурдунг,
Дийдориға сени не деб раво килсун?

Эшону шайх, хўжа, мулло дунё излар,
Ул сабабдин подшоҳларга ёлгон сўйлар,
Оят ҳадис сўзин хўюб молни кўзлар...

Охир замон олимлари золим бўлди,
Хушомадни айтгувчилар олим бўлди,
Ҳақни айтган дарвешларга ғаним бўлди,
Ажаб шумлиқ замоналар бўлди, дўстлар.

Подшоҳларда, вазирларда адолат йўқ...
Дунё учун бир-бирига қилмас шафқат...
Золимларга асир бўлиб қолдим мано,,
Ул сабабдин подшоҳ қилур менга жафо...

Охир замон бўлғондир, подшоҳ золим бўлғондир,
Ҳаром, шубҳа тўлғондир, хайрон қолур Хўжа Аҳмад.

Яссавий замонининг эзилган йўқсул синфига «ғариб, ятим, фақир»
унвонлари беради, ўзини уларнинг ҳомийси каби кўрсатишга тиришади:

Ғариб, фақир, ятимларнинг бошин силаб,
Кўнгли қаттиқ халойиқдин қочтим мано.

Ғариб, фақир, ятимларни қилғил шодмон,
Хулқлар қилиб, азиз жонинг қилғил қурбон.

Ғариб, фақир, ятимларни ҳар ким сўрар,
Рози бўлур ул бандадан парвардигор.

Яссавийнинг бу мавзудаги парчалари орасида:

Ятимни кўрсангиз оғритмангизлар,
Ғарибни кўрсангиз доғ этмангизлар.
Ятимлар бу жаҳонда хор экандир,
Ғарибларнинг иши душвор экандир.
Ғарибларнинг иши доим сўлукдир,
Тирик эрмас, ятим мисли ўлукдир.

ҳам:

Ғарибларни кўрган ерда оғритмангиз,
Ятимларга аччиғланиб сўз қотмангиз,
Заиф кўруб ғарибларга тош отмангиз,
Бу дунёда ғарибликдек бало бўлмас,

парчалари каби самимий, ёниқ фиғонлар ҳам бордир. Биз Яссавийнинг шу қадрини, албатта, тақдир қиламиз. Ёлғиз шу ёқдангина қарағонда унинг ўз замонидаги йўқсулларнинг қайғуларидан хабарли, улар учун йиғлагон, уларнинг душманларига сўкуш билан, насихат билан мурожаатлар қилгон бир йўқсуллар шоири каби қабул қиламиз, албатта.

Лекин у қадар билан қолмасдан, Яссавийнинг бошқа ёқларини ҳам текширишга мажбурмиз. Бир шоирни, айниқса Осиёнинг кенг бир қисмига таъсир қилиб 7 ярим асрдан бери яшаб келган бир шоирни текширганда масалани бир ёқлима қўймоқ тўғри, илмий бир натижа бермайди.

Йўқсуллар учун қайғуриб, уларнинг дардларини куйламакчи бўлгон Яссавий уларнинг кутулиш, нажот йўлларини ҳам излаганми, уларга кутулиш учун бир дастур, бир йўл кўрсатканми?

Албатта, кўрсаткан!

Кошки кўрсатмаган бўлса эди!...

Кўлимиздаги «Девони ҳикмат» китобларининг Яссавий отидан қилиб берганлари таълимот жамиятдаги оҳангсизликдан, адолатсизликдан кутулмоқ учун унинг кўрсаткан чоралари шу қадар ярамас, шунча зарарлидирки, унинг таълимотиға чин кўнгулдан ишониб, самимий суратда

эргашган бир миллат топилса эди, у миллатнинг дунёда «тирик экан», ўзига гўр қазмоқдан бошқа бир вазифаси қолмагон бўлур эди!..

Кўлимиздаги «Девони ҳикмат» китобларининг Яссавий томонидан қилиб берилганлари таълимот.

Яссавийнинг золимларга қарши камбағалларга берадигон насихатлари мана шу йўлдадир:

Золим агар жафо қилса, Аллоҳ дегил,
Илгинг очиб, дуо айлаб, бўюн сунғил.

Ҳақ додингга етмас бўлса, гила қилғил
Ҳақдин эшитиб бу сўзларни айдим мано!-

ким ҳиндустонли Гандининг «яроқсиз, қуролсиз қаршилиқ» деган шиориға жуда ўхшайди.

Аҳмад Яссавий бу қадар билан қолмайди. У ҳоким синфнинг адресига юқоридаги қаттиғ сўкишларни юбормоқ билан камбағал синфни ҳаяжонға кетирган, қайнатғондек бўлғондан кейин фурсатнинг ғанимат эканини англайди, камбағалларнинг шул чоғдаги руҳий ҳолатларидан фойдаланмоқчи бўлиб, ўзига мурид қилиб олиш планини куради, гўё юқори табақанинг зулм-адолатсизликларига сабаб камбағалларнинг гуноҳлари, худодан узоқлашғонларидир. Яссавий худо томонидан вакил бўлуб (!) камбағалларга қаратиб мана шундай дейди:

Санга жазо, яратғонға ёлбормадинг,
«Аллоҳ» дебон тунлар туруб ингранмадинг,
Ҳақиқатдан сўзлар айттим, эшитмадинг,
Золимларнинг илгин узун қилдим мано!

Ҳақиқатан Яссавийнинг юқоридаги шикоят ва сўкушлари билан бу «теран фикри!» орасида каттакан мантиқсизлик бор. Бир киши туруб Яссавийга: «Модомики феодаллар ҳам уларнинг куйруқлари томонидан камбағалларга қилинғон зулмлар худонинг амри билан бўлар экан, модомики худо у зулмларни камбағалларнинг бошига жазо қилиб юборғон экан, сен нега боя уларни шунча сўкуб ташладинг? Уларнинг гуноҳлари йўқ эканку!» деб қўйса, Яссавийнинг ҳеч бир жавоб қайтара олмаслиғи аниқдир. Лекин у замонларда Яссавийга ҳеч бир томондан мундай бир эътироз бўлмайди. Камбағаллар томонидан шундай бу эътироз бўла олмайди. Чунки у вақтларда уларнинг онглари бу масалаларгача юксалмаган, феодаллар, умуман ҳоким табақа ҳам бундай эътирозни қилмоқ истамайди. Чунки Яссавийнинг бу мантиқсизлиги унинг учун фойдалидир. Унинг Яссавийга у томондан ёрдам қилиши керак. (Шуни ҳам унутмаслик керакки, бу мантиқсизлик Яссавийгагина махсус эмас, худога ишониб ҳар ишни ундан билган ҳар мўъмин бандага бу эътироз тегади). Яссавий ўзининг бу мантиқсизлиғига қаршу ҳеч бир томондан эътироз бўлмаслиғини билгани учун фурсатдан истифода қилади. Ўзининг юқоридаги мантиқсизлиғидан ўзига кераклик натижалар чиқаришга киришади. «Ғариб эсанг, йўқсул, ятим, эзилган, мазлум эсанг мана шуидан қил!» дейди.

Зикрин айғил, қонлар томсун кўзларингдин,

Ҳикмат айғил, дурлар томсун сўзларингдин,

дейдирким, бунинг очик маъноси менинг ҳалқамга кириб, ҳикматларимни эшитиб, жаҳр қил, демакдан бошқа карса эмасдир.

Саҳарлари эрта туриб қон йиғлагил,

Пири муғон этагини маҳкам тутғил,

Ҳаққа ошиқ бўлғон бўлсанг, жондин ўтғил,

(албатта молдин ҳам) Жондин кечган чин ошиқлар урэн! бўлур.

Бу дунёда фақирликда одат қилғон,

Хўрлик тортиб машаққатни роҳат билган,
Қул Хўжа Аҳмад яхшиларга хизмат қилғон,
Қиёмат кун андоғ киши султон бўлур.

Бундаги пири муғон сўзидан мақсад «пир, шайх, эшон» эканини айтишга хожаат йўқ, ўзи онглашилади.

Демак, камбағал синф ҳалиги золимларнинг зулмларини худодан, ўзининг гуноҳларидан кўради. Шунинг учун уларга бўюнсунади. Саҳарлар туруб қонлар йиғлаб, тавба қилади, хўрликка одат қилади; фақирликка қаноат қилади, машаққатларни роҳат билади, пири муғоннинг этагини маҳкам тутди, (яъни Яссавийга мурид бўлади). Бўлмагон жойдан «тангри ишқи» ҳам туғуб чиқадида, шу билан яшайди!..

«Нувий платонизм» фалсафасидан бизнинг тасаввуфга ўтган бу ишқ масаласи Яссавий ҳикматларида жуда катта ўрун тутди. Ҳикматнинг лирика қисми тамоман пул тасаввуф ишқиға бойлангандир.

Яссавийга кўра, бу ишққа берилиб, шу билан яшамок учун пирга инобат қилиш, пири муғоннинг этагини тутиш албатта лозим, чунки:

Қиловузсиз биёбонда юрганлар
Муҳаббатнинг қадрини қачон билур?

Яссавий мана шу фикрини ҳаммага тақдим қилади, униинг назарида:

Ишсизларнинг ҳам жони йўқ, ҳам имони.

Ҳолбуки, яна унга кўра, тасаввуф ишқиға берилгач, ҳаётдан алоқани кесиш лозим:

Ошиқларнинг суннатидир тирик ўлмак,
Оқил бўлсанг, гўристондан хабар олғил.
Ман ҳам шундоғ бўлурман деб ибрат олғил,

«Мавту қабла анта мавту»ға амал қилгил.

Мана сизга қатъий бир дастур: «Мавту қабла аиту мавту!» «Ўлганингиздан бурун ўлингиз!..» Мана Аҳмад Яссавий томонидан таклиф этилган «тангри ишқи»нинг олиб борадиғон жойи!

Аҳмад Яссавий шу «дастур»га ўзининг амал қилғонини кўрсатмак учун жуда кўб тиришади. Ўзини жуда қизиқ сўзлар билан таҳдир қилади:

Ўлганимда йиғилиб уринг юз минг таёқ.

Жанозамнинг орқасидин тошлар отинг,

Оёқимдин тутиб судраб гўрга элтинг,

Ҳаққа куллик қилмадинг деб, янчинг, тепинг,

дейди. Яссавий ўлгандан кейин муридлари албатта шундай қилмағонлар. Уни иззат, ҳурмат билан кўмганлар, Ишнинг шундай бўлишини унинг ўзи билмаган эмас, билган. Бироқ диндор, содда халқни қайнатмоқ, уларнинг ихлосини ортдирмоқ тилаги билан буларни айтади.

Ул юқоридағи «дастур»ига содиқ қолғониға бизни ишондирмоқ учун умринг охирларида ер остиға киради, хонақоҳида ер ости бир хужра қаздиради. Олтмиш учга киргандан сўнг шунга кириб гўё ташқи дунё билан алоқасини кесади, «ўлгандан бурун ўлади!..»

Шул сабабдин олтмиш учга кирдим ерга.

Субҳи содиқ душанби кун ерга кирдим.

Шул сабабдин ер остиға кирдим мано,

деганлари шуни кўрсатади. Омма орасида «қудсий» бир эътибор қозонғон, даланинг сода элидан ўттуз-қирқ минглаб кишини ўзига мурид қилиб олғондан сўнг 63 ёшға кирган бир кишининг ер ости бир уй қазиб, шунга кириб ўтуруши, унинг таъмин этилган ҳаётиға зарра қадар халал бермайди. Ҳатто бу иш билан унинг эътибори ортади.

Шуни қабул қиламизким, у замонлар ташкилотдан, бирликдан, синфий онгдан махрум бўлгон, эзилган, мазлум камбағалларга Яссавийнинг бу ҳикматлари бир оз тасалли берган, уларни овутғондир. Лекин масалага ҳаёт нуқтаи назаридан қарайлик: бир ўлкада яшагон халқнинг ҳаммаси ё кўпчилиги Яссавийнинг шу таклифларини қабул қилиб, ер ости чиллахоналар қазиб, кириб ўтурғонда, шу ўлканинг ҳаёти нима бўлур эди!.. Яхшики, Яссавийга ишонғонлар бу жинниликни қилмағонлар, қилғонлари билан уларнинг мияларида бу ташвиқотнинг ҳеч бир турли излари қолмағон деб даъво, қилиб бўлмайди, албатта, қолғон. Тунов кунгача ҳатто қисман бу кунгача ҳам, айниқса камбағалларимизнинг ҳаётга яқинлашмасдан «ярим тарки дунё» вазиятда яшагонлариға Яссавий ҳам унинг муридларининг таъсирлари бўлмади деб ким даъво қила олади?!

Тузук, Яссавийнинг тилга хизмати жуда каттадир. У мундан етти ярим аср бурун туркча шеърлар ёзгон, камбағалларнинг дардларини куйлаган. Унинг асари тилимизнинг етти ярим асрдан қолғон бир нишонаси. У асар тилимизнинг етти ярим аср бурунги ҳолларини, қоидаларини кўрсатмак нуқтасидан жуда муҳимдир. Лекин бахтга қарши биз букун орамизда мавжуд босма, ёзма «Ҳикмат» нусхалари билан бу масалага яқинлаша олмаймиз. Юқоридан айтканим каби Яссавийнинг ҳаётига яқин замонларда ёзилгон бир нусха «Девони ҳикмат» топилмағунча биз Яссавий ҳикматларини тил тарихи қарашидан текшира олганмиз. Лекин унинг фикрлари, тирикчилик учун, тўғриси, тирик ўлмак учун... халққа кўрсатган йўллари, буддизмдан олиб бизга ютдирмоқ истадиги дастурлар қатъиян, айниқса йигирманчи асрда, зарарлидир.

Унинг таъсирига қаршу курашмак инқилоб қарашидан, халқимизни ҳаётга аралаштириш қарашидан жуда ҳам лозим.

Мақоламиздаги баҳсларнинг робитасини, боғини йўқотмаслик учун юқорида тасаввуф тўғрисидаги муқаддимамизни қисқача такрорлаб ўтайлик.

Исломда тасаввуф мустамлакачи арабларнинг мустамлака аристокротлари билан бирлашиб, айниқса мустамлака халқини эзишларидан

ва бу эзишларнинг исломий ҳам араблик таассубига таянғонидан чиқгон бир акс таъсирдир. Шунинг учун тасаввуфда исломиятга қаршу унсурларнинг бўлиши табиийдир. Лекин бу унсурлар маслакга янги кирган кишиларга берилмаган, тасаввуфни даражаларга, босқичларга тақсим қилиб, биринчи босқичда исломнинг амрларига тамоман содиқ қолишни шарт этгандир.

Мурид бу босқичлардан юқори чиқгон сайин исломий асослардан узоқлашиб боргон, унинг назарида дин, шариат, ибодатнинг аҳамияти қолмай бошлагондир.

Масалан теран бир мутасаввуф Абдулқодир Бедид динларнинг каъбаси билан бутхонасини бир-бирининг ёнига кўюб сўкади:

Гоҳи ба каъба медаваму гаҳ ба суи дайр,
Девонаям зи ҳар тарафам санг мезанад
Каъбаю бутхона роҳи манзили мақсуд нест,
Ҳар кужо гум гаштад дар сарманзили орастаанд.

дейди. Машҳур тасаввуф шоирларидан Файзии Хиндий эса:

Бар фатуййи руҳбон кадуҳи бода бинўшем,
Асен ҳилагариййи футаҳарона шиносинем,

деб қичқиради. Ҳижрий 297 да дорға осилғон Мансур Ҳалложнинг воқеаси маълумдир.

Бизнииг Аҳмад Яссавийда эса тасаввуфнинг мана шу тошкунчи қисми кўрунмайди, ёки оз кўрунади.

Тузук, Яссавий ҳикматлари орасида Мансур Ҳалложга бағишлаб ёзилғон бирикки парча бор, унда:

Эсиз Мансур хўрлик бирла бўлди адо,
Бир сўз бирла ёронлардин бўлди жудо,

деб қайгуради.

Шоҳ Мансурнинг «Аналҳак»и бежо эмас,
Йўлни топқон, бизлар каби гумроҳ эмас,
Ҳар ножинслар бу сўзлардин огоҳ эмас.
Аналҳакни маъносини билмас нодон,

деб Мансур Ҳалложни оклайди, ҳам унинг душманлари бўлгон, дсб остиргон шариат муллаларини сўкади, яна Мансур Ҳаллож воқеасига бағишлангон бир парчада:

Афсонадир шариат, фарзонадир тариқат,
Дурдонадир ҳақиқат ошиқларға муносиб,

дегани каби бошқа бир ҳикматида:

Шариатдир ошиқларнинг афсонаси,

деб тасаввуф қарашида шариатнинг бир афсонадан бошқа нарса бўлмағонини такрорлайди. Лекин бундай сўлликлар Аҳмад Яссавийда умуман оздир. Кўрсатганимиз мисоллардан бошқаси йўқ.

Шунинг билан баробар ул меърожға ишонади, жаннат, жаҳаннамга ишонади, одамларни охират азоблари билан кўркутади, намоз ўқуйди, рўза тутуди:

Рўза, намоз қазо қилиб бўлдим қоҳил,
деб ўкунади.

Қиёматни шиддатидин ақлим ҳайрон,
Сирот отлиғ кўпругидин танзим ларзон,

деб ваҳималар тарқатади.

Демак, Аҳмад Яссавий сўфийлар каби таъвилга ёношмайди. Исломда

бўлгон нарсаларнинг ҳаммасини бўлғони каби қабул қилади. У юқори босқичдаги мутасаввуфлардан эмас, «зоҳид»дир.

Аҳмад Яссавий бизнинг халқ шоирларимиз каби мукамал таҳсил кўрмаган бир киши эмас. У бошланғич тарбияни Ясида Арслонбобдан олгондан кейин Самаркент, Бухорога келиб таҳсил қилгон. «Шайх Юсуфи Ҳамадоний» каби ўз замонанинг энг катта дин олими, энг улуғ шайх бўлгон бир кишига шогирд бўлгон ҳам унинг учинчи халифаси бўлуб олгон.

«Ҳикмат»даги шеърларга ишонилса, Яссавийнинг Хуросон, Ироқ, Шом каби у замоннинг машҳур илмий марказларига ҳам бориб турғони онглашилади.

Хуросону Шому Ироқ ният қилиб,
Ғариблиқни кўб қадрини билдим мано.

Шунинг учундирким, Яссавийнинг ўз замонида мўътабар бўлгон илмларни, адабиёт қоидаларини жуда чайнагон бир киши бўлғониға ҳукм қилмоқ янглиш бўлиб чиқмайди. Шундай бўлса ҳам, унинг адабиётда тутгон йўли содда халқ шоирларимизнинг тутқон йўллариدير. Унда Навоийнинг ингичка истиоралари, Бобирнинг форсча ёнишлари йўқдир, унинг ҳикматлари вазнда, қофияда, услубда халқ адабиёти аталгон шеърлар билан баробар юради. Халқ адабиётимиздаги дostonлар қисмининг «Қиссаи Иброҳим Адҳам», «Достони Зайнул Араб» каби мавзу эътибори билан мусулмонлари бор. Аҳмад Яссавийнинг ҳикматлари шакл ҳам услубда шуларга кўбрак ўхшайди. Лекин ҳикматдаги «лиризм» (юракчилик) улардаги «лиризм»дан кучсизроқдир. Масалан «Достони Зайнул Араб»даги шул:

Сан чекгунча хижрон жавру жафосин,
Ман нега қурбонинг бўлмадим сани.
Сан кўрганча зиндон дарду балосин,
Ман нега қурбонинг бўлмадим сани.,

Аввал бошдин мани истаб келгунча,
Қизил рухсорингни хазон қилгунча,
Мани учун банди зиндон бўлгунча,
Ман нега қурбонинг бўлмадим сани?

паркаси борким, кучли, лирик бир нарчадир. Аҳмад Яссавийнинг ҳикматларида эса шундай кучли парчаларга учраб бўлмайди.

Шундай бўлса ҳам, Аҳмад Яссавий «лирик» бир шоирдир. Унда ҳам «Яссавийнинг мафкураси» баҳсида кўрсатганим:

Ятимлар бу жаҳонда хор экандир,
Ғарибларни иши душвор экандир
Ғарибларнинг иши доим сулукдир
Тирик эрмас ятим, мисли ўлукдир,

каби самимий, ёниқ фиғонлар йўқ эмас, бордир.

ФИТРАТ ЯССАВИЙ ТЎҒРИСИДА

Ўрта Осиё турк адабиётининг исломдан сўнгги мактаблари орасида Яссавий мактаби жуда нуфузли, катта ўрун тутадир. Бу мактаб асрлар бўйинча бизнинг ўлкада хонакоҳ ибодат адабиёти ярата келди. Элимизга дунёдан, ҳаётдан узоклаш, риёзат чекиш фикрлари каби буддизм қолдиқларини исломий бўёвлар билан бўяб беришка машғул бўлди. Зотан ибодат адабиёти исломдан бурунги туркларга ёт бир одат эмас эди. Милодий ўнинчи асрда Бухородан Ҳитойга саёҳат қилгон сайёҳ Абу Дулаф мусулмон бўлмагон қирғизларнинг ўз ибодатларида тизмалар ўқуғонларини кўрган эди (Мўъжамул Булдон. ж. 3. Б. 448).

Яссавий тариқатининг айникса дала турклари орасида мунча кенг шаклда тарқатилишига, бу тариқатнинг уларнинг эски ибодат шаклларига ёт бўлмагоннин ҳам катта роли бўлгон, албатта. Яссавий мактаби адабиётининг бошида милодий 166 (ҳижрий 562) да ўлган машхур Аҳмад Яссавий туради. Ўрта Осиё сўфилигининг «Яссавия» ёхуд «жаҳрия» қўли таъсис қилгон бу одам ҳақида «Маориф ва ўқитувчи» журналининг ўткан сонларида ёзилгон эди, янгидан бу ҳақда сўзлаги керак эмас. Ёлғуз шуни айтиб ўтиш лозимки, Яссавий тариқати Ўрта Осиёда «Абдулхолиқийлар» ёхуд «Нақшбандийлар» тариқаси билан мувозий суратда давом этиб курашкан. Темурийлар замонида яссавийлар бу курашда муваффақ бўла олмагон бўлсалар ҳам, ўзбеклар ҳукумати замонида рақибларини енга олгонлар. Шайбонийхоннинг Яссавий шайхларининг фотиҳа ва ташвиқлари билан келиб машхур нақшбандий шайхи Хўжа Аҳрорнинг севиғли ўғли Хўжа Яҳёни укалари, болалари билан ўлдурishi Яссавийларнинг енгишлари эди. Ўзбек Убайдуллахон замонида яшаб, милодий 1542 нчи йилда ўлган Маҳдуми Аъзам Даҳбедийнинг нақшбандий бўлғони ҳолда жаҳрияни қабул қилиши Ўрта Осиёда яссавийлик галабасининг хорижий бир шохиди бўлди.

Мана шундан сўнг Яссавийликнинг Ўрта Осиёда ғолиб сифати билан давом қилгонин кўрамиз.

Яссавийликнинг хоҳ галабасидан бурун, хоҳ ундан кейин Ўрта Осиёда

бир кўб шоирлар етиштирганини қабул этмак жудаям янглиш бир ҳаракат бўлмаса керак. Лекин бу Яссавий шоирларининг асарлари бўлсун, ўзлари бўлсун, ҳалигача «тамоман» маълум бўлмагон, текширилмаган! Булардан бизга яхшигина маълум бўлғони Аҳмад Яссавийнинг шогирди, муриди Ҳаким Сулаймон отадир. Ҳаким Сулаймон ота Аҳмад Яссавийнинг учинчи халифаси бўлуб, унинг кўрсатиши билан Хоразмға бориб шайхлик қилгон. Милодий 1186 да (пиридан йигирма йил сўнгра) ўлган. Қабри Хоразмда, Боқиргон деган жойда. Кўлимизда бўлгон «Тазкиратул-авлиё»ларнинг ҳеч бири Аҳмад Яссавийнинг «ҳикмат»ларидан хабар бермагани ҳолда, ҳамалари Ҳаким Сулаймон отанинг кўб «ҳикмат»лари борлиғини бир оғиздан айтиб турадилар.

Боқиргон ҳикматлари «Боқиргон китоби» исми билан 1906 нчи йилда Қозонда босилгон. Бори 75 бетдангина иборат бўлгон бу китобчадаги шеърларнинг ҳамаси Ҳаким ота шеърлари эмас. Онда Ҳалим Сулаймон отанинг ёлғуз 36 парча шеъри бўлуб ҳамаси 1180 мисрадан иборатдир.

Мазкур китобчада «Ҳаким отадан бошқа кўбрак шеърлари ёзилгон шоирлар тубандагилардир:

1. «Шамс»дан 24 парча, ҳамаси 1058 мисра.
2. «Иқоний»дан 19 парча, ҳамаси 266 мисра
3. «Кул Убайдий»дан 13 парча, ҳамаси 334 мисра.
4. «Кул Аҳмад»дан 10 парча, ҳамаси 238 мисра.
5. «Машраб»дан 10 парча, ҳамаси 201 мисра
6. «Худойдод»дан 4 парча, ҳамаси 64 мисра,
7. «Кул Шароф»дан 4 парча, ҳамаси 70 мисра
8. «Фақирий»дан 2 парча, ҳамаси 28 мисра.

Булардан бошқа Хуббий, Қосим, Тафий (?), Фақирий, Насихий, Бизолий, Гадоий, Кул Шарифий, Шухудий, Бехбудий, Байзо, Мочин, Тож каби шоирлардан бирор парча босилгон.

Бу шоирлардан «Кул Аҳмад» — «Хўжа Аҳмад» — «Кул Хўжа Аҳмад» тахаллуслари билан ҳикмат ёзғони Аҳмад Яссавийнинг ўзи бўлғони каби,

«Машраб»нинг ҳам ўзимизнинг Шох Машраб бўлиш эҳтимолини қабул қилиб, ким эканлари текширилмаган шоирларга ўтамиз.

Иқоний: Тахаллусидан бунинг Фарғонадаги Иқондан экан онглашиладир. Яссавий шайхлари орасида машхур Мавжуд шайхнинг муриди Камол шайх деган одам бор. «Рашаҳот» билан бирга бутун маноқиб китоблари бу Камол шайхнинг Хўжа Аҳрор билан суҳбат қилгонин хабар бермакдалар. «Рашаҳот» унинг ҳаққида «Аз кибор асҳоби Мавдуд турғонин билдирадир. Ҳижрий қом дошта, деб Тошкандда турғонин билдирадир. Ҳижрий 1093 да бухороли муфти Зинда Али томонидан ёзилгон «Самаратул-машойиз» отли китобда ҳам , «Ламаҳот»да бу Камол шайхнинг таржимаи холи ёзилгонда «Лақаби эшони Иқоний аст, солҳо дар қаръиз Алиободи Самарқанд буданд, вафот ва мадфуни шарифи эшон оншо аст», дейиладир. Бунинг катта нуфузли бир шайх бўлуб, «Иккинчи Аҳмад Яссавий» деб танилгонини мазкур «Самаратул—машойих» эгаси қайд этадир. Хўжа Аҳрор мундан гапирганда: «Хуросондан Тошкандга қайтмоғонимдан сўнг менга келиб турар эди», деган. Хўжа Аҳрорнинг ҳижрий 806 да туғулуб, 29 ёшарликда Хуросон дан Тошкандга қайтгонини назарга олгонда, Иқонийнинг ҳижрий 835 дан сўнгра Тошкандда бўлгонини ва ондан кейин Самарқандга кўчиб, шунда вафот қилгонини айтиш мумкин.

«Самаратул—машойих»нинг мазкур шайх Камол ҳақида «...ва ҳикмат бисёр аз эшон сар зада аст, муштамил бар маориф ва дақойиқи ин қавм аст», деб унинг сўфийлигига оид бир кўб ҳикматлар ёзғони тўғрисидаги ифодасини ҳам юқоридаги маълумотга қўшуб қўйсоқ, «Боқирғон китоби»даги Иқонийнинг шул Камол шайхдан бошқа киши бўлмағониға шубҳа қолмайди. Ҳижрий тўкқузинчи асрда ўлган бу чиготой-яссавий шоирининг бутун шеърлари шул «Боқирғон китоби»да босилгон 19 парчадан иборат эмасдир, албатта, шунинг учун бу 19 парча шу билангина Иқонийнинг шоирлиғи тўғрисида бир фикрга келиш қийин. Шундай бўлса ҳам, шул парчаларга қараб унинг ҳаяжонсиз, кучсиз, курук бир назмчи воиз бўлғониға ҳукм қилишдан бошқа чорамиз йўқ.

Шамс: «Боқирғон китоби»даги ҳикматларда бунинг кўбрак «Шамс», бир ўрунда «Шамсиддин», бир-икки ўрундагина «Шамс Ўзгандий» таҳаллус кўйғонин кўрамиз. Ҳалиги «Самаратул-машойих»нинг ифодасига кўра, Камол шайх Иқонийнинг «Сайид Аҳмад деган бир муриди бўлгон. Иқонийга йигирма йил хизмат қилгон. Йигитлик чоғида Хўжа Аҳрор билан суҳбати бўлгон. Самарқандда вафот қилгон. Қабри у замонлар «Шайхзода дарвозаси» аталгон «Пойқобок» дарвозасида экан. Мана шу Сайид Аҳмад шайхниинг муридларидан бири Мавлоно Шамс Ўзгандийдир. Асли Ўзгандан, расмий таҳсилини Ҳиротда битирган, ундан қайтиб, Самарқандда Сайид Аҳмад шайхга мурид бўлгон. Сўнгралари яна Ўзгандга бориб, деҳқончилик билан машғул бўлгон. Пири Сайид Аҳмад шайх ўлгандан кейин Самарқандга қайтиб, унинг ўрнини олгон бўлса керак. Вафоти Самарқандда бўлуб, пири Сайид Аҳмад шайхниинг ёнига кўмўлган. «Самаратул-машойих» эгаси мунинг ҳам ҳикматлари борлигини сўйлаб:

«Қутби жаҳон Саид Аҳмад ё шайхам мадад», мисрани ўз китобига кўчурадир. Бу мисранинги «Боқирғон китоби»даги «Шамс» шеърларидан шул бизнинг «Шамс Ўзгандий»ники эканини қатъий суратда билдирадир. Шамс Ўзгандийнинг Хўжа Аҳрор билан муносабати тўғрисида ҳеч бир қайдга учрамадик. Шунинг учун бунинг Хўжа Аҳрор ўлгандан сўнг Самарқандда туруб, хижрий ўнинчи асрда вафот қилғони қабул этиш жудаям янглиш бўлмаса керак.

Кул Убайдий: «Убайдий», «Убайдулла», «Кул Убайдий» таҳаллуслари билан ҳикматлар ёзгон бу одам бизнинг фикримизча, машҳур ўзбек хони Убайдуллахондан бошқа киши эмас. Машҳур Шайбонийнинг Марв тегарасида Шоҳ Исмоил Сафавий томонидан ўлдурилиши (1510) муносабати билан фажеъ суратда тарқалгон ўзбек аскарлари кучини бот фурсатда йиғиб, Шайбоний олгон ўлкани янгидан забт қилгон. Бу одам ноиб ҳам мустақил бўлуб йигирма саккиз йил ҳукумат сурди ва милодий 1539 да вафот қилди. Бу одам ўзининг ҳукумат ишларига қарамасдан, шайхлик ҳам қилар эди. Бу ишни ўзининг сиёсати учун лозим билар эди. «Самаратул—машойих»нинг

ёзғониға кўра, Убайдуллахоннинг тарикат нисбати» авлис Қорахон отли бир шайх воситаси билан Ҳаким Сулаймон отага борадир. Ёлғиз бу қадар билан қолмағон, у ўзи учун муридлар олғон. Жаҳр мажлисларига иштирок қилғон. Унинг ўлуми муносабати билан топилғон тарих моддаси «зикргў» (яъни зикр айтгувчи)дир. Убайдуллахоннинг яссавийлар билан қаттиғ боғлонғониға яна бир далил Яссавий шайхи Худойдоднинг муриди Мухаммадёр Нўғой отаға ўз кизини берганидир. (Нўғой ота 1533 да ўлуб Самарқанднинг Сўғд деган мавзеида кўмулган).

Убайдулла шоир ҳам мутасаввиф шоирдир. Унинг форсийча яхши шеърлар ёзғонини «Музаккирул-аҳбоб», «Мажмаъул-фусаҳо», «Тазкиратус-салотин» каби манбалар кенг суратда билдирадирлар. Унинг форсича бир ғазали машҳур мутасаввиф Махдуми Аъзам томонидан тасаввуф услубида шарҳ қилинғон (менинг кутубхонамда бор). Убайдуллахоннинг форсча шеърларида тахаллуси кўбрак «Убайдий» бўлуб, баъзан «Убайдулла»дир. Масаланинг қоронғи томони унинг туркча ҳикматлар ёзиб-ёзмоғонидир. Юқоридан бери унинг ҳаёти ҳақида берганимиз маълумотдан Убайдулланинг ҳикматлар ҳам ёзғонини гумон қилиш мумкин эди. Иш бизнинг гумонимиз билангина қолмади. Яқинда Бухорода топилғон девони унинг Навоий мактабига эргашиб туркий ғазаллар, Яссавий мактабига эргашиб ҳикматлар ёзғонини ҳам очик исбот қилғон бўлди.

Худойдод: Яссавий шайхларидан бўлуб, Шайбонийхонга ёрдам қилмағони учун Самарқанддан Ҳиротга ҳайдалган Жамол шайхнинг муридидир. Яссавийликнинг нуфузли шайхларидан бўлғон Олим шайх томонидан ёзилғон «Ламаҳот» китоби мунинг маноқибидир.

Милодий 1532 нчи йилда ўлуб Самарқанд шаҳридан уч тошлиқ йўлда кўмулган. Мутасаввиф шоирлардан бўлуб тахаллуси «Худойдод»дир. Форсий шеърларидан бир ози «Ламаҳот» китобида бордир. Бизнинг фикримизга кўра, туркий ҳикматлар ёзғон Худойдод ҳам шунинг ўзидир.

«Боқирғон китоби»даги Қосимнинг Карминадаги машҳур Яссавий шайхи «Қосим шайх аз Эрон» бўлуш эхтимоли эсга келгани каби, «Кул

Шариф»нинг Бухородаги қабри тунақунгача яссавийчиларнинг жаҳр ўрни бўлган Мавлоно Шариф бўлуши мумкин.

«Хуббий»—Ҳаким отанинг ўғли Хубби хўжа бўлгани каби «Мочин»нинг Аҳмад Яссавий муриди Бобо Мочин эканини қабул қилишга илмий бир монёъ бўлмаса керак.

Насимий машҳур озарий мутасаввиф шоири Саид Эъмод Насимийдир.

Ғарибий тўғрисида очиқ бир нарса айта олмаймиз. Бизда бу исмда бир шоир бўлгани маълум бўлсада, ҳалигача яхши тегшира олмағонимиз учун бу ҳусусда гапирмай туруш муносибракдир.

Боқиргон китоби»даги Қосимнинг Карманадаги машлари ҳусусида ҳеч бир нарса топа олмағонимизни эътироф қиламиз. Тегширишлар давом қилган сайин бу жиҳатларнинг ҳам кўбрак очила боришлари маълум.

ХУЛОСА

Шарқ оламининг улуғ сиймоларидан бири, Алишер Навоий тавсифи билан айтганда, ислом дунёсининг «шайхул машойих»и Хўжа Аҳмад Яссавийдир. Буюк мутасаввуф ва «каромати зўр» валий ҳақида, шукрки, сўнгги яқин йилларда ҳадиксирамай гапирадиган, ёзадиган бўлдик. Шўролар ҳукумати даврида унинг номи «клерикал адабиёт намояндаси», «реакцион диний адабиёт вакили» каби сифатлар билан қораланиб, мутафаккирнинг авлодлари бўлмиш биз — туркий қавмлар онгига улуғ бобокалонимиз ҳақида нотўғри қарашлар сингдирилиб келди. Яссавий ҳақида ёзган киши, албатта, шўролар мафкураси нуктаи назаридан туриб уни қоралаши, у ҳақда заррача бўлсин, ижобий фикр билдирмаслиги лозим эди. Кимки бу «темир қоида»ни бузса, коммунистик «тегирмони»да кукуни чиққунча эзиб ташланарди. Бунга 1971 йили «Тошкент оқшоми» газетаси ҳамда «Ўзбек тили ва адабиёти» журналида А. Яссавий ҳақида ижобий фикр билдирган профессор Эргаш Рустамовнинг тақдири ёрқин мисол бўлиши мумкин. Хайриятки, йиллар, даврлар тўфонига чўнг қоядек дош беролган унинг муборак номи ноҳақ даъволар билан қораланганича қолиб кетмади. Адолатни ҳамиша одил вақтнинг ўзи тиклар экан. Шўролар империяси таназзулга учрагач, унинг чекланган тор ҳалқага киритилган мафкураси ҳам завол топди. Қайта қуришнинг, кейинроқ бориб мустақилликнинг илиқ эркини адолатсизлик «муз»ларини эритиб юборди. Мамлакатимизда ҳам Аҳмад Яссавий ижодига, асарларига холис кўз билан қараш бошланди. Бугина эмас, унинг таълимоти, ҳикматлари, сулукига бўлган қизиқиш тобора кучайиб, бу борада катта миқёсдаги тадқиқотларга рағбат пайдо бўлди. Юртдошлари қалбида Туркистон диёридан чиққан мутафаккир номининг, ишининг, таълимотининг улуғворлигидан фахрланиш туйғуси уйғонди. Нуфузли халқаро ташкилот ЮНЕСКОнинг 1993 йилни «Яссавий йили» деб эълон қилиши бу туйғуга яна бир қадар қувват бағишлади. Айни пайтда, бу қарор улуғ мутафаккирнинг таълимотига, яратган бетакрор асарларига исониятнинг қизиқиши бекиёслигидан ҳам далолатдир. Дарҳақиқат, қарийб саккиз асрки, Хўжа

Аҳмад Яссавий таълимотига, унинг хикматларига кизиқиш кучайса кучайдики, сусаймади. Бу эса унинг номи, таълимоти, асарлари умрибоқийлигидан нишонадир. Ўзбекистон мустақилликка эришгач, Хўжа Аҳмад Яссавий ҳақида талайгина илмий, илмий оммабоп мақолалар эълон қилинди. Буларда, шубҳасиз, буюк мутасаввуфнинг ҳаёти, ижоди, таълимоти ҳақида қимматли фикрлар билдирилди, айрим илмий муаммолар ўртага ташланди. Мана шу хайрли жараёнда 20-йилларнинг ўрталарида эълон қилинган мақолалар ҳам илм аҳли, умуман, Аҳмад Яссавий ижодига кизиқувчилар учун фойдали бўлар, деган умид билан Абдурахмон Саъдий ва Абдурауф Фитратнинг мақолаларини бир мажмуа тарзида нашр этишга жазм қилинди. Чунки бу иккала олимнинг мақоласи ўзбек тилида яратилган илқ тадқиқотлар сифатида қимматлидир. Тўғри, бунгача ҳам Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди, мақбараси, масжидига бағишланган айрим тадқиқотлар юзага келган. Лекин уларнинг аксари рус ёки татар тилида бўлган. Жумладан, Тошкентда асримизнинг 10-йиллари бошларида «Туркистонда ҳазрат масжид» номли бир мажмуа рус тилида нашр қилинган. Унга мусташир Ю. Новицкийнинг «Туркестанские ведомости» газетасининг 1912 йил 17-февраль сонидан босилган «Хўжа Султон Аҳмад Яссавий (киргиз афсонаси)» сарлавҳали материали, «Туркистон шаҳридаги ҳазрат Яссавий масжидининг тарихий меъморий аҳамияти» деган мақола ҳамда «Сирдарё вилоятининг статистикаси учун материаллар тўплами»нинг IX жилдидан (русча) Аҳмад Яссавий «Хикмат»ларининг Н. С. Ликошин томонидан рус тилига қилинган таржимасининг алоҳида оттиски олиниб киритилган. Мажмуа, эҳтимол, бир нусхада тайёрланган бўлса керак. Негаки, Н. С. Ликошин таржимасининг 1-бетида шундай автограф бор: «Глубокоуважаемому Н. П. Остроумову. Переводчик. Ходжикент. 29 сент. 909». Мазкур тўплам ТошДУнинг илмий кутубхонасида 3319 инвентар рақами остида сақланмоқда».

Тўпламга киритилган киргиз (аслида, козоқ) афсонасида вали Султон Аҳмад Яссавийнинг кўрсатган кароматлари ҳақида ҳикоя қилинади.

«Туркистон шаҳридаги ҳазрат Яссавий масжидининг тарихий меъморий аҳамияти» мақоласида эса мазкур масжиднинг меъморий муҳандислик хусусиятлари тўғрисида фикр юритилган.

Уфада чиққан «Шўро» журнали 1915 йил 24-сонида Аҳмад Сардорнинг «Ҳазрат Хўжа Аҳмад Яссавий» сарлавҳали мақоласини чоп этган. Унда масжид эшиклари ҳамда қабрлардаги тошларга битилган ёзувлар келтирилган. Мақолада А. Яссавий ҳаёти ва ижодига оид қисқагина маълумотлар ҳам берилган. Хусусан, адибнинг турк тилининг мавқеини кўтариш борасидаги хизматларига юқори баҳо берилади. «Туркистонда турк давлати, - деб ёзади муаллиф, - форси тилини истеъмол этуб, бой бўлгон турк тилини форсиларга жангилган вақтларда, бутун китоблар, бутун асарлар форсий тили билан ёзилган замонларда, ул ўзининг девонин соф туркий тилинда ёзди. Ул вақтларда турк тилининг жангилган, ҳар ўрнига форсий тили келуб ўтургон. Бутун вужуди билан турк бўлгон зотларда форсича сўйлий, форсича ёза эди. Саройлар форсича сўйлаган шоирлар билан тўла, шул тилда мотур шеърлар, қасидалар сўйлаган кишиларгина мукофот, ҳадялар ола эди.

Хўжа Аҳмад Яссавий эса туркча тушунди (ўйлади-Б. Д.), туркча сўйлади, форсий шеърлар, форси тилинда бўлгон асарлар онга таъсир этмади. Ўзининг турклигин, ўзи мансуб бўлгон турк тилин олға суруб, ўзиндан келажак ёзувчиларга ўрнак бўлди. Ўн бешинчи асрнинг аввалги ёритисинда ёзилгай «Бахтиёрнома», «Тазкиратул-авлиё» шекилли асарларда Хўжа Аҳмад девонийнинг таъсири бўлуvinда шубҳа йўқ. Бунга, шогирди шайх Сулаймон Боқирғоний ўзининг «Боқирғон», «Марям она», «Ҳаким ота» номли асарларин шул устознинг шуъбасинда, шунинг талқин эткани турк тилинда ёзди». (744 бет),

1922 йилга келиб Абдурахмон Саъдийнинг мазкур тўпламга киритганимиз мақоласи «Инқилоб» журналининг 2-сонида босилиб чиққанди. Мақоладаги фикрлар А. Саъдийнинг «Девони ҳикмат»ни ўқиб, олган илк таассуротлари асосида билдирилган. Тўғрироғи, у Аҳмад Яссавий

ҳаёти, ижоди, таълимотининг зоҳирӣ, юзасидагиларнигина кўролган, уларнинг моҳиятига чуқур кириб боролмаган. Хусусан, бу Аҳмад Яссавий мансуб бўлган тасаввуф оқими ҳақида лом-мим демаганида яққол сезилади. Мақоладан сезилишича, А. Саъдийга Аҳмад Яссавийнинг татар тили ва адабиёти тараққиётидаги роли катта таассурот қолдирган ва бунга у алоҳида эътиборини қаратган. Эҳтимол, мақоланинг пайдо бўлишига туртки бўлган асосий омил ҳам шу бўлса керак. Дарвоқе, А. Саъдий 1927 йилнинг 15-майида Татаристон Маориф Халқ Комиссариатининг Академия маркази қошидаги Татаршунослик жамиятида «Қадимги давр татар адабиёти тарихидан янги материаллар» мавзуида ўқиган маърузасида XVII асрнинг охириги чорагида ижод этган татар адиби Мавло Қулининг «Ҳикмат»лари ҳақида маълумот бераркан, унга Сулаймон Боқирғоний, Қул Убайд ва Қул Шамс каби ўзбек шоирларининг ижоди, таъсири бўлганини қайд этади. Мазкур шоирлар эса, ўз навбатида, Аҳмад Яссавий шогирдлари, издошлари бўлган.

1923 йилда Туркистон Шарқ институтининг проф. А. З. Шмидт шарафига чиқарган «Алискандария» номли русча тўплами нашр қилинади. Мазкур тўпландан Аҳмад Яссавийнинг «Девони ҳикмат»ига киритилган дебоча, яъни «Фақрнома»нинг рус шарқшунос А. Гаррицкий қилган таржимаси ўрин олган. Таржима жузъий қисқартиришлар билан берилган бўлиб, унинг бош қисмида А. Гаррицкийнинг Хўжа Аҳмад Яссавий ҳақидаги мухтасаргина маълумоти ҳам бор. Бунда А. Гаррицкий сўфизм таълимотида фақирликнинг марказий ўрин эгаллаганини таъкидлаган. Шу билан бирга, таржимон Хўжа Аҳмад Яссавийнинг «Ҳикмат»даги тил ва услуб масаласига алоҳида тўхталиб ёзади; у яхшилик, ҳаромдан ҳазар, (пирга итоаткорликни тарғиб этаркан, «...буларнинг барчаси халққа оддий, тушунарли тилда айтилган ҳамда улар ўз ҳаётидан олинган мисоллар билан мусаҳкамланган, акс ҳолда, Хўжа Аҳмад Яссавий ҳақидаги хотира бу қадар узоқ сақланмаган, Темур томонидан қурилган улуғвор мақбарасига ҳозирги кунларгача зиёратчилар саф тизилиши турмаган ҳамда маҳаллий аҳоли

орасида унинг назмда битган «Ҳикмат»лари бунчалик шуҳрат топмаган бўларди». («Алискандария», 35бет).

А. Гаррицкийнинг иқтибосига кўра, Аҳмад Яссавий ҳақида Тошкент, Қозон ҳамда Истанбул шаҳарларида қайта-қайта нашр этилган. «Девони ҳикмат»лардан ташқари, Фаҳриддин Али (Софий)нинг хижрий 1329 (милодий 1911) йилда Тошкентда нашр қилинган «Рашаҳот», Доро Шукӯҳнинг 1884 йили Кауиппорда чоп қилинган «Сафинатул—авлиё» асарлари ҳамда Ғулом Муҳаммад Лоҳурийнинг Кауиппорда х. 1312 (м. 1894) йили нашр этилган «Ҳазинатул-сўфийя» тазкирасининг 1-жилдидаги материаллардан фойдалаган.

Турк адиби Фуод Купрелизоданинг «Турк адабиётинда илк мутасаввуфлар» номли машҳур китоби 1918 йили Истамбулда босилиб чиққан бўлиб, бу китобдан ўз даврида жуда кўп ўзбек адабиётшунослари фойдаланган. Жумладан, Абдурауф Фитрат ҳам бу асар ҳақини эҳтиром билан тилга олади.

Бизнингча А.Фитратнинг «Аҳмад Яссавий тўғрисида матбуотимизда бир икки йўла гаплар бўлуб ўтган эди», — деган сўзларининг замирида юқори кўриб ўтганимиз асарлар ётса керак. Фитратниг «Аҳмад Яссавий» сарлавҳали мақоласи «Маориф ва ўқитувчи» журналининг 1927 йилги 6 ва 7-8, кўшма сонларида босилган. Таниқли шарқшунос олим Фитрат ушбу мақоласида ҳам ўз услубига, яъни муайян мавзу, илмий муаммо юзасидан ўзигача билдирилган фикрларни ички мунозара тарзида тадқиқотига антитезис қилиб олади ва ўз қарашларини шу аснода исботлашга интиладп. Гарчи мазкур тадқиқот ишида тайин у ёки бу адабиётшуноснинг фикрига очиқ, исми-шарифини келтириб муносабат билдирмасида, сатрлар борасида бундай алоқадорликни сезиш мўмкин. «Аҳмад Яссавий» сарлавҳали мақоласида у кўпроқ А. Саъдийнинг «Яссавий ким эди?» мақоласидаги айрим фикрларга танқидий ёндашгани, ичдан эътироз билдиргани кўринади.

А.Фитратнинг Аҳмад Яссавий ҳаёти, ижоди, таълимоти ҳақидаги тадқиқотларидаги тезислари, чиқарган хулосалари илмий жиҳатдан

бақувватлиги, мантиқан изчиллиги билан ажралиб туради. Шундай бўлса-да, Фитрат Аҳмад Яссавий асарларининг туб моҳиятига кириш учун чин дилдан интилмагандек таассурот қолади. Буни нималарда кўриш мумкин?

Буни энг аввало, А.Яссавий сулуқининг ўзига хослигини белгилаш масаласида кўриш мумкин. Бизнингча Аҳмад Яссавий тасаввуфни, аниқроғи, тарикатни туркий қавмлар учун тушунарли тарзда, содда услубда баён қилиш, уларга сингдириш йўлини танлаган. У жамиятдаги гуруҳлар ҳақида ёзадими, диний мотивларда ҳикматлар битадими, барибир, уларнинг «қон»ига ўз таълимотининг хужайрасини киритади. Аниқроғи, ёзганларнинг заминида тасаввуф фалсафасининг жавҳари ётади. Буни илғаш лозим, холос. Негадир, Фитрат Аҳмад Яссавий таълимотининг ана шу жавҳарини излашни истамайди. Шу боисдан у Аҳмад Яссавийнинг «Мауту қабла ан тамуту», яъни «Ўлишдан аввал ўлинглар» иборасини жўнгина, юзаки тушунтиради. Умуман, Фитрат Аҳмад Яссавийнинг мутасаввуф сифатидаги таълимотини етарли баҳолай олмаган. Бунда, бизнингча, Аҳмад Яссавий «ҳикмат»ларшининг соддалиги, халқона сажияда бўлганлигидир. А. Фитратга бадиийётда мураккаблик, теран фикрлилик, мантиқан чуқурлик хуш келган. Унинг Аҳмад Яссавий ижодига, таълимотига қарашини ҳам шу билан изоҳлаш мумкин.

«Аҳмад Яссавий, - дейди профессор Нажмиддин Қомилов, — «Қуръон» ҳикматлари, ҳадислар мазмунини ва тасаввуф ғояларини кўшиб куйлаган. Уни инсофу адолат, ҳалоллик ва тўғрилиқни орифлик, ошиқлик, хилват ва узлат билан боғлаган. У биринчи бўлиб тасаввуф ғояларини туркийлар орасига ёйиб, нафс ва худбинлик каби кўпгина ёмон иллатларни қаттиқ танқид қилди». («Халқ сўзи» газетаси, 1993 йил, 6 август). Дарҳақиқат, диний мотивларда ёзган ҳикматларининг «хужайра»ларида ҳам, адолат, тўғрилиқ, ҳалоллик каби «ер ишлари» билан бевосита боғланган мавзулардаги шеърларининг «қон»ида ҳам тасаввуф фалсафасага оид зарраларнинг кезишини пайқаш мумкин. Ундан кейин Аҳмад Яссавий йўлида ижод қилган жуда кўп шоирларда бундай даражага кўтаралолмасликни кўрамиз. Уларнинг

аксариди диний мавзу, диний мотив фукараларни кўрkitиш, уларнинг юрагига ваҳима солиш каби мақсад йўлида хизмат қилдирилгандек таассурот қолдиради. Шу боисдан Аҳмад Яссавий ва унинг издошларини ҳам турли даражаларга, уларнинг ижодларини турли йўналишларга бўлиш тўғрисида профессор Н. Комилов ёзганлари тўғри йўлдир. У мумтоз адабиётимизнинг узвий қисми бўлмиш тасаввуф адабиётининг ўзига хосликларини ўрганишда тадқиқот босқичлари қандай бўлишини таклиф қилади. Дастлаб «...Аҳмад Яссавийдан бошлаб, — деб ёзади Н. Қомилов, — туркона тасаввуфий анъаналар заминиди шаклланган ва ривож топган адабиёт тадқиқ қилинади. Бу адабиётнинг ўзи ҳам Боқирғоний, Сўфий Оллоёрлар каби диний йўналишда ривожлангани, Машраб каби тавҳид тараннуми йўналишида ривожлангани, Собир Сайқалий, Ҳазиний, Қорий, Юсуф Сарёмий каби икки томонни кўшиб ривожлангани бор». («ЎзАС», 1993 йил, 7 май).

Аҳмад Яссавий «Ҳикмат»лари ва унинг издошлари ёзган асарлар орасидаги юқорида кўрсатилган фарқларнинг мавжудлиги шу даражада сезиладики, буни ҳатто татар халқининг сўфий адиби Мавло Қулининг диний оҳангдаги «ҳикмат»лари билан солаштирганимизда ҳам пайқаш мумкин. Жумладан, унинг «ўлим фалсафаси» ифодаланган ҳикматларини олайлик:

Бу дунёдин ўтоси,
Бирин-бирин кетоси,
Гўр уйинда ётоси,
Хайрсиздир бу дунё.

Борур йўлинг бир хатарлик уйдир ёлғуз,
Қоронғу тун тек турур, бўлмаз кундуз.
Бу уйда ёлғуз қолғунг, йўқ ўғил-қиз,
Шундин бурун тавба-тавфик қила кўргил.

Сиротдин тушса ёву,
Жаҳаннамда қайна-сузуб,
Йилон, чаён танлар узуб,
Ғам емакдин ўзга бўлмас.

(«Вестник научного общества татароведения»,
№ 7. Казань. 1927. стр.)

Мажмуанинг охирига Аҳмад Яссавий асарларининг тили, услубини тадқиқ этишда кўл келиб қолар, деган мақсадда Аҳмад Яссавийнинг Қозонда 1295 хижрий, 1878 милодийда босилган «Девони ҳикмат»ининг 1-нашридан бир қисм илова қилинди. Мазкур нашрда 67 ҳикмат ва муножот бор. Муаллифнинг ёши билан боғлиқ ҳикматлар силсиласи узилмаслиги учун 1-нашрга кирмай қолган.

Умнатларим ёзуқларим ҳар жума кеч
Олиб келгай, ё Муҳаммад, сен муни чеч,

деб бошланадиган ҳикмат бошқа нашрдан олинди.

Биз 1-нашрдан олинган ҳикматларнинг тили ва имлосини иложи борича айнан сақлашга интилдик. Хато кетилгани аниқ кўриниб турган ўринлари тўғриланса, тушиб қолган сўз ёки мисралар қавс ичида келтирилди. Тузатиш киритилган сўз ёки ибораларга тағхатда изоҳ берилди.

Фойдаланилган адабиётлар

1. Яссавий ким эди? (Мақолалар ва ҳикматлардан парчалар) Бойбута Дўстқораев. Тошкент-1994 й.
2. «Ўзбекистон» энциклопидияси 10-том.
3. («Вестник научного общества татароведения», № 7. Казань. 1927. стр.)
4. «Шўро» журнали. 1915-йил 24-сон. Аҳмад Сардорнинг «Ҳазрат Хўжа Аҳмад Яссавий» сарлавхали мақола.
5. Аҳмад Яссавийнинг Қозонда 1878 милодийда босилган «Девони ҳикмат» нинг 1-нашридан бир қисм илова қилинди.